44 (374)

2003 йил 5 ноябр

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин пархда

# ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

2
- Олий Мажлис минбарида: оқсоқол ким, фаолияти қандай бўлиши лозим?

3
- Сайлов олди ва сайлов жараёнида ишчи гуруҳига ёрдам.

4
- Сабр-қаноат - руҳнинг озиғи
- Мадинада нашр этилган китоб

## АҚШ СИЁСАТЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ). Юртимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 4 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур академия ректори А.Азизхўжаев Збигнев Бжезинский фаолияти, унинг жаҳон сиёсатшунослик фани олдидаги хизматлари тўғрисида сўзлади.

З.Бжезинский ўз сўзида Ўзбекистоннинг ўзига хос мамлакат эканлигини таъкидлади. У мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлашдаги ҳиссасига юксак баҳо берди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ҳам ташриф буюрди. Учрашувда З.Бжезинскийнинг мамлакатимизга мазкур ташрифи илмий тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугуни ва истиқболига оид долзарб масалалар, турли минтақалардаги сиёсий вазиятлар ҳақида сўзлади, институт ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

*Суратда: Спорт иншооти қурилиши ташаббускорлари — ширкат хўжалиги раҳбари Н.Фахриддинов, касаба уюшмаси раиси Санъат Курбонбоев, бош ҳисобчи Кувондиқ Отаниёзов ва туман ҳокимлиги мутасаддиси Шавкат Каримовлар.*

*Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.*

***Обод маҳалла йили ҳаётимизда қолдираётган яхши излардан бири - жойларда спортга бўлган эътиборнинг сезиларли даражада ортганидир. Элликқалъа туманидаги Ғани Одилов номли ширкат хўжалиги ҳудудида 2,5 гектар майдонда стадион қурилди. Ҳозирги кунда хўжалик ҳудудидаги маҳаллалар аҳлининг ҳар бир куни спорт машғулотлари билан янада сермазмун ўтмоқда.***

# «...МАҲАЛЛАНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ МАВҚЕИ ЮКСАК»

**Мамлакатимиз парламентида ўтган республика семинар-кенгаши Олий Мажлис Кенгашининг қарорига биноан шу йил ноябр-декабр ойларига тайинланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг намояндалари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинларининг раислари, Олий Мажлис депутатлари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Семинар-кенгашни Олий Мажлис қўмитасининг раиси Э.Воҳидов олиб борди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Ҳалилов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг ролини ошириш тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг илгари сурилган стратегик дастурининг амалга оширилиши муносабати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталди. Дастур жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга, ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган очиқ демократик давлат барпо этишнинг муҳим ва муқаррар шарти сифатида қонун устунлигини, шахс, оила ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган. Фуқароларнинг сиёсий онги ошиб, фаоллиги кучайиб боргани сари мамлакатда давлат тасарруфидаги бир қанча вазифалар нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма босқич ўтказила боради.

Олий Мажлис Раиси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чинакам демократик асосда, амалдаги қонун ҳужжатларига тўла ва қатъий мувофиқ тарзда ўтказилиши зарурлигини таъкидлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролар ўз ҳоҳиширодасини эркин билдиришлари ҳамда Конституцияда белгилаб қўйилган мустақил танлаш ҳуқуқини эмин-эркин амалга ошира олишлари учун қулай шароит яратиб бериши зарур. Сайлов кампаниясининг муваффақиятли ўтиши, уни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш йўлида жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, барча даражадаги депутатлар, оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова ўз сўзида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий турмушидаги роли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловдаги иштироки масалаларига тўхталди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. САИДОВ фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари тўғрисида гапирди. Сайлов кампаниясини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кадрлар танлашда ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош инспектори Ё.Муҳамедов нутқида ёритиб берилди. Оммавий ахборот воситаларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги роли ҳақида семинар-кенгаш қатнашчилари парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимовнинг маърузасини тинглади.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Усмонов, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Мунаввров, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Усмонов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов сўзга чиқди. Улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказилиши аҳамиятини таъкидлаб, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида бу органларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигига, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, қонунларга қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш моҳиятига алоҳида урғу бердилар.

Семинар-кенгашда бўлғуси сайлов кампаниясига тайёргарлик йўсинида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш тажрибаси алмашинилди. Сўзга чиққанлар маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг янги шакл ва усуллари ҳақида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда миллий анъаналарни, урф-одат ва маданиятни тиклаш борасидаги ибратли ишлари ҳақида гапирдилар. Бир қанча долзарб масалалар жойларда қай тарзда ҳал этилаётганлиги юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Х.ХАЛИЛОВнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгашидаги маърузасидан

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА УЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Олий Мажлис Кенгашининг қарорига биноан шу йил ноябр-декабр ойларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Унинг муҳимлиги, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг халқ ва давлат ҳаётидаги алоҳида аҳамияти, ўтказилаётган кенг миқёсли ислоҳотларда уларнинг ролини ошириш зарурлиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий турмушдаги роли ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан кўп бор таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган, жорий йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинган тантанали йиғилишда давлатимиз бошлиғи, хусусан шундай деган эдилар:

"...Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, мустақиллик йилларининг ҳар бир йили халқимизнинг фаровонлигини оширишга ва инсон омилига катта эътибор қаратилганини кўрсатиб турибди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2003 йил - Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши дунё бўйича ноёб тизим ҳисобланган маҳаллаларга бўлган юксак ишонч ва эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир.

Маҳалла - миллатнинг мустаҳкам қўрғони бўлиб, эл, юрт тинчлиги-осойишталиги, ёш авлоднинг маънан ва руҳан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир.

Бугунги кунда маҳалладаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимлар ва ёлғиз қолган кексаларга меҳр-шафқат кўрсатиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, маҳалла фаолларининг асосий вазифаларидандир. Ушбу мақсадда Президентимизнинг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва

Давоми 2-саҳифада

Республика Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар Қўмитаси раиси Д.ҒУЛОМОВАнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгашидаги маърузасидан

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Маҳалла мустақил Ўзбекистон давлати тараққиёт модели нинг таркибий йўналишларидан бири сифатида қабул қилинди ва биз қураётган ҳуқуқий демократик жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг миллий модели, бевосита демократия институти сифатида тан олинди.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА "МАҲАЛЛА" ЖАМҒАРМАСИНИНГ РОЛИ

Фуқаролик жамиятнинг асосларини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири эса, бир қатор ваколатли вазифаларни давлатнинг юқори органларидан маҳаллий ҳокимият органларига, маҳалла жамоат тузилмасига, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказишдир. Бу жараён 90-йилларнинг ўртасидан бошланган ва муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "Кучли давлатдан - кучли жамият сари" сиёсий қурилиш дастурида тўла ўз ифодасини топган. Мазкур дастур, айнан маҳалла мисолида муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси А.ГАДОЙБОЕВнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгашидаги маърузасидан

Бундай натижаларга маҳалла институтини ривожлантиришнинг энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратувчи қонунчилик асосларини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитлари, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усулларини ҳужжатларини ишлаб чиқилганлиги ва ҳаётга тадбиқ этилганлиги билан эришилди. Бундай қонун ҳужжатларидан бири, дастлаб 1993 йилда, сўнгра 1999 йилнинг апрелида янги таҳрирда қабул қилинган ҳамда юқорида таъкидланганидек, "Обод маҳалла йили" дастури асосида ҳаёт талаб-

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**у «Обод маҳалла йили: натижа ва истиқболлар» деб номланди.**

**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармасида халқаро Конрад Аденауэр ва Фридрих Науманн фондлари ҳамкорлигида «Обод маҳалла йили: натижа ва истиқболлар» мавзусида ўзбек-олмон анжумани бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимлари ва ижтимоий соҳа олим ҳамда мутахассислари иштирок этдилар. Анжуманнинг очилиш қисмида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича минтақавий мухтор вакили доктор Томас Кунце, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси маслаҳатчиси Курт Штёкл-Штиллфрид, Фридрих Науманн фондининг Россия ва МДҲ мамлакатлари бўйича вакили доктор Фалк Бомсдорфлар сўзга чиқиб, анжуман қатнашчиларига фаолиятларида муваффақият тиладилар.**

Маълумки, юртимизда мустақиллик йилларида «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга ошириш борасида бир қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда маҳалла тизими фуқаролик жамиятининг асоси сифатида намоён бўлмоқда. Шу боисдан бугунги кунда маҳалла - нафақат асрлар давомида шаклланган маҳаллий бошқарувнинг ноёб шакли сифатида, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, фуқаролик жамиятини шакллантириш шартлари асосида қайта шаклланаётган тизим сифатида ҳам жамият тараққиётида катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада бир қатор халқаро жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги сезиларли ижобий самараларни бермоқда. Анжуман модератори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти Муқимжон Қирғизбоев анжуманга таклиф этилган маърузачилар айнан ана шу масалаларга тўхталишларини алоҳида таъкидлади. Анжуманда маруза қилган ҳуқуқшунос олим, Бонн шаҳридаги Фридрих Вилгельм номидаги Рейн Университетидан Герд Кипарский ҳамда Саксония федерал ўлкаси Бошқарув ва иқтисод академияси доценти Гвидо Шёнебомларнинг маърузалари орқали анжуман қатнашчилари Германия мамлакатидаги муниципал ташкилотлар фаолияти ва тараққиёти тўғрисида тасаввурга эга бўлдилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибияти мудири Танзила Норбоеванинг «Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш тизими истиқболлари» мавзусидаги маърузаси тингловчиларда катта таассурот уйғотди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро «Хюман Райтс Вотч» ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Матильда Богнернинг «Маҳалла - Хюман Райтс Вотч нуқтаи назарида» деб номланган маърузаси анжуманда қатнашаётган турли соҳа мутахассислари, маҳалла тизими ходимлари ва билимдонларининг қизғин мунозара ва ўринли эътирозларига сабаб бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

● Эл корига яраганлар...

## «МАҲАЛЛА БОҒИ»

**Жиззах шаҳар Олмазор маҳалласи жамоаси Жиззах Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга икки машина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тортиқ қилди. Унда келажагимиз бўлган болалар кундалик истеъмол қиладиган турли витаминга бой мевалар, полиз маҳсулотлари бор эди. Меҳрибонлик уйи жамоаси бу саховатдан ғоят мамнун бўлдилар.**

- Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, - дейди маҳалла оқсоқоли, "Эл юрт ҳурмати" ордени соҳиби Ғанижон Обидов, - Обод маҳалла йилида маҳалламиз жамоаси бундай савобли ишлардан бир қанчасини амалга оширдилар. 6 гектар майдонда маҳалла боғи барпо этилди. Боққа 400 тун ҳурмо, 500 тун анор, 300 тун анжир, олма, ўрик каби дарахт кўчатлари ўтказилди. Уларни беминнат парвариш қилишни 5 та оила ўз зиммаларига олдилар. Шаҳсан ўзим 300 минг сўмга кўчат сотиб олдим. Маҳалла боғини кўз қорачиғидек асраб, уни келгуси авлодларга тортиқ қилишда вилоятнинг нуфузли ташкилотлари, раҳбарлар, қалбида меҳру саховат бўлган барча кишилар яқиндан ёрдам бердилар.

Ғанижон ака менга маҳалла боғини кўрсатди. Унинг атрофлари темир панжаралар билан тўсилган. Яхшилаб парвариш қилинган дарахт кўчатлари жуда яхши ривожланиб, ҳаммаси амал олгани кўриниб турибди. Уларнинг қатор ораларига экилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олинди ва олинган маҳсулотлар болалар уйига берилди. Ортиқчаси қишлоқ аҳолисига арзон нархда сотилмоқда. Кам таъминланган оилаларга, тўю маъракаларга берилмоқда. Бунинг ҳисобига маҳалла жамғармаси ҳисоб рақамига мўмай даромад тушаяпти. Шу йилнинг ҳисобига 300 минг сўм даромад қилинди. Обод маҳалла йили тадбирлари муваффақиятли уддаланмоқда. Маҳаллани кезган кишининг баҳри дили очилади. Бу ерда маҳалла маркази, гузар, аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фаолият кўрсатмоқда. Тўйлар бечиқим, маъракалар ибратли ўтаётир.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири**

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи: 148**

**Хомий:** «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:** Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

*Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди*

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

*Таҳририят*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

# «...МАҲАЛЛАНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ МАВҚЕИ ЮКСАК»

2003 йил 5 ноябр
44 (374)

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## СУМАТРА ОРОЛИДАГИ ФОЖЕА

**Индонезиянинг Суматра оролидаги тоғли Лангкат туманида табиий офат юз берди. Ўтган якшанба куни ёқ-қан қаттиқ жала ва тошқин бир қишлоқни бутунлай ювиб кетди. Қутқарув ишлари давом этган сари курбонлар сони ҳам ортиб бормоқда. Хабарда айтилишича, ҳозиргача 170 киши тошқин қурбонига айланган.**

Сешанбага келиб, 72 нафар кишининг жасади топилди. Уларнинг беш нафари Германия, Австрия, Голландия ва Сингапурдан келган сайёҳлар. Яна 98 киши дом-дараксиз кетган. Бироқ қутқарувчилар уларнинг ҳам ҳалок бўлганига шубҳа қилмаяпти. Қутқарув ишлари гуруҳининг раҳбари Донар Пасарибу дом-дараксиз кетганларнинг барчаси ҳалок бўлганига тўқсон фоиз ишончим комил, деди.

Қаттиқ жала ўтган якшанба куни оқшомда бошланган эди.

Душанба куни эрталаб эса даҳшатли тошқин бошланди. Ўз йўлида тош ва дарахтларни супуриб оқаётган тошқин Шимолий Суматра вилоятининг маъмурий маркази Медан шаҳридан 96 километр узоқликдаги Бохорок қишлоғига ёпирилди. Саноқли дақиқалардан кейин қишлоқ ўрнида вайрон бўлган уйлар, ағанаган дарахтлар, лойқа босган кўчалар қолди.

Шимолий Суматра ҳокимиятининг вакили Эдди Софянинг таъкидлашича, 420 уй ва бино, жумладан, бешта сайёҳлар лагери ер билан яксон бўлган. У юздан зиёд кишининг ҳалок бўлганини расман тасдиқлади. Юзлаб одамлар жароҳатланган ва шошилинч ёрдамга муҳтож.

Туманда жами 43 минг киши истиқомат қилса-да, маҳаллий ҳокимият уларга ёрдам бериш учун атиги 250 нафар полициячи ажратди. Ҳозир қўшни вилоятлардан ҳам ёрдам кутилмоқда.

Бохорок авваллари ҳам кўплаб табиий талофатларни кўрган қишлоқ. Бу ерда қаттиқ шамол баъзан довулга айланади. Муссон ёмғирлари мавсумидаги тошқинлар оқибатида ер кўчишлари бўлиб туради. Бироқ Бохорок тоғ бағридаги гўзал маскан эди. Унинг атрофида жаҳонга довруғи кетган Лосер миллий боғи жойлашган.

Боғда Суматра орангутанлари учун кўриқхона барпо этилган. Шу сабабли бу ерга ҳар йили кўплаб хорижий сайёҳлар келади.

(ЎзА)

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА УЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

(Давоми, аввали 1-бетда).

Барчангиз яхши биласиз, "Отанг - маҳалла, онанг - маҳалла" деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва аҳамиятинигина эмас, балки уларнинг олдида турган асосий вазифаларни ҳам чуқур мушоҳада ва идрок этишни талаб қилади. Бу вазифаларнинг аксарияти давлатимиз бошлиғининг қатор дастурий маърузалари ва фундаментал асарларида таърифлаб берилган, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги амалдаги Қонунида белгилаб қўйилган. Яқинлашиб келаётган сайлов кампаниясини ҳисобга олиб, бу вазифаларни муайян тизимга солган ҳолда қараб чиқиш, ижтимоий ҳаётнинг ана шу ғоят муҳим соҳасидаги ишларнинг устувор йўналишларини аниқлаштириб олиш жоиз кўринади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида эътироф этилган қуйидаги қайдларни бугун яна бир бор эсга олишни тавсия этган бўлар эдим: **"Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз".**

Демак, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг энг муҳим вазифаларидан бири кам таъминланган оилаларга самарали ижтимоий ёрдам беришни ташкил этишдан иборатдир. Албатта, бу ишнинг муваффақиятли амалга оширилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликдагина таъминланиши мумкин. Бу ишда адолат принципи таъминланиши, ҳақиқатда муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилиши жуда муҳимдир.

Фуқароларнинг маҳалла ижтимоий турмушидаги ташаббускорлиги ва фаол иштирокига доир мисоллар эса кўп. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги Конституция маҳалласи (йиғин раиси - Комилжон Муҳаммадиев) ўз кучи билан кутубхона ташкил этди, кутубхонага шоир Рамз Бобожон ва бошқа маҳалладошлар ўз китобларини тақдим этдилар. Бундай кутубхона пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Ўрикзор маҳалласида ҳам ташкил бўлди. Фуқаролар йиғинига Раҳим Нодиров раислик қилаётган мазкур маҳаллада кутубхона фонди аҳоли томонидан муттасил тўлдириб борилаётганлиги боис бугунги кунда китоблар сони беш мингга яқинлашиб қолди.

Бир қанча маҳаллаларда ёшларни мустақиллик ва ватанпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу маънода Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Раҳима Комилова бош бўлиб турган Деҳқон маҳалласи фуқаролар йиғини фаолиятини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Тошкентдаги Мирзо Ғолиб номли маҳалла фуқаролар йиғини раҳбари Диловар Мирбобоев ва ходимлари шаънига ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин. Бу ерда аҳолининг маънавияти, сиёсий маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда ва шу йўл билан кенг жамоатчиликнинг эътибори қозонилмоқда. "Маҳалла" республика хайрия жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ана шундай иш тажрибаларини ҳар тарафлама тарғиб қилиши ва кенг оммалаштириши лозим.

Сизларга шуни эслатиб ўтишни истардикки, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг энг муҳим ваколатларидан бири қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдир. Афсуски, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда қайд этилган ана шу норма амалда ишламаяпти ҳисоб.

Шуни ҳамиша ёдда тутиш зарурки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бутун кўп қирали фаолияти марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари туриши лозим.

Бўлғуси сайлов кампаниясини бемалол чинакам демократия мактаби, жойлардаги энг муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда аҳоли кенг қатламларининг фаол иштирокини таъминлайдиган мактаб дейиш мумкин. Жамиятимизни янада демократлаштириш жараёнига тўла мос тушадиган бундай кенг миқёсли ижтимоий-сиёсий тадбир ўтказилишининг ўзи ижтимоий-сиёсий ҳаётимизни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.

Шу сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўзига хос, давлат аҳамиятига молик воқеа деб англаган ҳолда унга йирик умумхалқ иши сифатида сиёсий жиҳатдан кенгроқ маънода қарашимиз лозим деган фикрдаман. Яқин икки ой ичида Ўзбекистоннинг шаҳарларида, шаҳарча, қишлоқ ва овулларида фуқаролар йиғинларининг қарийб ўн минг нафар раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг минг-минглаб маслаҳатчилари сайланади. Янги қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятни ўзлари қабул қиладиган низом асосида йўлга қўядилар. Тўғри, бунда ҳар бир маҳаллада ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, аҳоли билан иш олиб боришнинг ўзига хос жиҳатини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Лекин ҳар қандай қолда ҳам мазкур низом амалдаги қонун ҳужжатларининг руҳи ва моҳиятига, мамлакатимизни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларига тўла ва батамом мувофиқ бўлмоғи керак.

Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари аҳоли кенг қатламлари вакилларининг улкан армияси бўлиб, уларнинг зиммасига жойларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасидан улкан ва масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловнинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг масъул ходимларига боғлиқ. Олий Мажлис Кенгашининг қарорида туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига кадрларни аҳоли ўртасида яхши танилган, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда юксак обрў-эътибор ва ҳурматга эга бўлган, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни амалга оширишга қодир шахслар орасидан танлашда ёрдам кўрсатиш тавсия этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларни тавсия этишда уларни яхши биладиган кишиларнинг фикрини ҳисобга олган дуруст. Башарти номзод иккинчи муддатга сайланаётган киши бўлса, бунда энг аввало унинг мазкур вазифада илгари қандай ишлаганлиги инобатга олиниши керак. Агар номзоди биринчи бор кўрсатилаётган бўлса, унинг замонавий дунёқараши, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилик қобилияти унинг сайланишида асосий мезон бўлиб қолиши лозим. Энг муҳими, бу вазифага ҳақли равишда аҳолининг ҳурмат ва эҳтиромини қозонган, кенг фикрли, бой ҳаётий тажрибага эга, ҳалол ва билимдон кишиларни топа билишда дейиш мумкин. Бундай кишиларни аниқлаш мақсадида аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида олдиндан сўров ўтказилса ҳам чакки бўлмайди.

Фуқаролар йиғинларининг раислиги ва раислларнинг маслаҳатчилиги анчагина мураккаб ва масъулиятли, чуқур билим, сиёсат, иқтисод ва ҳуқуқ масалаларини яхши билишни талаб қиладиган иш. Бундай талабга жавоб берадиган кишилар жойларда истаганча топилади, албатта. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ана шу вазифаларга кекса, ёши улуғ кишиларнинггина эмас, балки катта ташкилотчилик қобилияти бўлган ташаббускор ёшларнинг ҳам номзоди кўрсатилиши мумкин.

Бўлғуси сайлов кампаниясини ҳисобот-сайлов кампанияси деса ҳам бўлади, чунки фуқаролар йиғинларида (вакиллар йиғилишларида) йиғин раисларининг (оқсоқолларнинг) ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам тингланади ва муҳокама қилинади. Ҳисобот бериш яқинлашиб келаётган сайлов кампаниясининг таркибий қисми бўлганлиги учун ҳам унга эътиборни алоҳида қаратиш керак. Ҳисоботлар

ошкора баҳс ва танқид руҳида бўлиши, уларда ишнинг ҳақиқий аҳволи чуқур таҳлил этилиши, таъкидлаб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар баён этилган бўлиши зарур. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органининг фаолияти "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун талабларига биноан ишнинг устувор йўналишлари бўйича пухта таҳлил этилиши керак. Бунда биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларини амалга оширишда давлат ҳокимияти маҳаллий органларига қандай кўмаклашилганлиги мушоҳададан ўтказилиши лозим.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар ким ўз танқидий фикр-мулоҳазалари ва таклифларини эркин билдира олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Барча фикр-мулоҳазалар беистисно диққат билан пухта ўрганиб чиқилмоғи ва умумлаштирилмоғи ҳамда шу йўл билан камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ўтказишнинг комплекс режаси белгилаб олинмоғи зарур. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида аҳолини вақтида хабардор қилиш керак. Бу эса фуқаролар хоҳиш-иродасининг амалий тарзда рўёбга чиқиши, амалдаги демократиядир.

Жойларда ҳисобот-сайлов кампанияси юқори даражада ўтиши кўп жиҳатдан Олий Мажлиснинг, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ўз сайлов округларида бундай тадбирларда фаол қатнашишларига боғлиқдир. Уларнинг иштироки ўз сайловчиларининг талаб-эҳтиёжлари ва муаммоларини яхшироқ билиш учун, долзарб ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳал этишда сайловчиларга амалий ёрдам бериш учун яна бир имконият яратади.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари ходимларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида тавсиялар тайёрладик. Ишончимиз комилки, бу тавсиялар Сизларга ишда ёрдам беради.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

(Давоми, аввали 1-бетда).

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш йўлида маҳаллалардаги оилалар аҳволини доимий равишда ўрганиб бориш йўлга қўйилган. Шу ўринда 2002 йил январ ойида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини эслаб ўтиш ўринлидир. Ушбу Қарорда, **"умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларини кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан ҳар йили бепул таъминлаш жорий этилсин, бунда 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг 100 фоизини дарсликлар билан таъминлаш назарда тутилсин"** деб кўрсатилган. Мана шу қарорнинг бажарилишини жойлардаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) яхши билишлари керак, чунки ижтимоий ҳимояга, моддий ёрдамга муҳтож аёллар биринчи навбатда жойларда уларга мурожаат этадилар. Лекин, афсус билан айтиш мумкинки, чекка қишлоқ мактабларида, овулларда бу қарор ҳали тўлалигича амалга ошириляпти, деб бўлмайди.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига дахлдор моддалар Ўзбекистон Конституциясининг ҳам алоҳида бўлимига киритилган. Асосий Қонуннинг 105-моддасида **"Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда, ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади"** дейилган. Агар масалага кенгроқ ёндошадиган бўлсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳаёти ва фаолиятига оид моддининг Ўзбекистон Конституциясига киритилишининг ўзиёқ маҳаллага катта ишонч ва эътибор қаратилаётганининг исботидир. Бу бой анъаналаримизни, ўзига хос урф-одатларимизни ва ҳавас қилгулик ўзбекона фазилатларимизни маҳалла фаолияти асосида тиклаш ҳамда равнақ топтириш имкониятини яратади.

Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли ихтиёрийлик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг бўғин органларини шакллантиради ва уларнинг раҳбар органларини сайлайди. Маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил қилиш масалалари, уларни давлат бошқаруви тизимидан ажратилганлиги, юридик шахс мақомига эга эканлиги, ўз ҳудудидаги масалалар бўйича мустақил, эркин қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларида кафолатланган.

Бу ўринда жойларда ўтказиладиган сайловларга жиддий тайёргарлик кўриш ва кадр танлашдан энг муносиб инсонларни топиш ва бу ўринда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб раҳбарлик қилаётган хотин-қизларни танлашдек ўта муҳим вазифалар турганини барчамиз ҳис қилишимиз даркор, деб ўйлайман.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар йиғини Кенгашининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу - ташкилий ишлар билан бир қаторда оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий ҳокимият органларига кўмаклашади. Шу ўринда мен, маҳалла фуқаролар йиғинларининг бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оилаларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлашдаги, ёшлар тарбиясидаги, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, боқувчисиз қолган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги самарали хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Айнан, уларнинг беминнат хизматлари, оилалар ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий йўналишдаги саъй-ҳаракатлари туфайли республикамизда бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Лекин, кўп ҳолларда юқорида айтиб ўтилган соҳаларда муаммолар мавжудлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, кўп болали, кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ишлари барча маҳаллаларда ҳам талабга жавоб беради, деб айта олмаймиз. Ижтимоий муҳофаза тизими орқали берилаётган ёрдам, энг аввало, аниқ ва манзилли бўлиши керак ҳамда тезкорлик, адолат, ошкоралик тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда берилиши керак.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар, айниқса қизлар, ёш оилалар ўртасида олиб борилаётган ишларда ҳам камчиликларимиз мавжуд. Ёшларда билимга, илмга қизиқишни уйғотиш, уларда боқимандалик кайфиятларини бартараф этиш, кейинги пайтларда учраб турган турли салбий оқимлардан ёшларни ҳимоя қилиш - бу маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Бу ўринда, республикамизда ташкил топган ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракатига ва маҳалла фуқаролар йиғинида тузилаётган хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш комиссияларига жуда катта умид боғланади. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг уларга юклатилган вазифаларига аниқлик киритиш ва ҳокимликнинг айрим ваколатларини маҳаллага босқичма-босқич топширилиши бугунги кун талабидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш борасида Республика Президентининг ушбу масалага алоқадор бўлган Фармонлари, ҳукумат қарорларида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мана шу сайловларда сайланадиган оқсоқоллар, фуқаролар йиғини раисларига ҳам юклатилиши даркор.

Фуқароларнинг ижтимоий таъминотини тўлалигича ташкил қилиш, уй-жой ширкатларини тузиш масалаларида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўпроқ ҳуқуқ берилишини истар эдик. Шу билан бирга маҳаллалар ҳудудида тинчлик-осойишталикни сақлаш, оилалар барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик фаолиятини ҳам кучайтириш лозим. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардаги ишсизлар рўйхатини тузиш ва иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишда етакчи куч бўлишлари зарур.

Ушбу вазифалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қонунлар, ҳукумат қарорларининг жойларда бажарилишини ташкил қилиш; аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш; коммунал хизматлар учун ҳақ йиғиш ва тасарруф этиш; маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ташкил қилиш; маҳаллаларда ёш оилаларга фарзанд тарбиясида амалий ёрдам кўрсатиш; ҳар бир маҳаллада оддий спорт комплексларини қуриш каби масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал қилинадиган масалалар сирасига киради.

Юртбошимиз томонидан ҳам бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан биргаликда ҳал этилиши кўрсатиб ўтилган. Бу ўринда мен шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ташаббус энг аввало фуқаролар йиғинларининг ўзларидан чиқиши керак.

Шу ўринда "Обод маҳалла йили" дастурининг маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринлари барпо этиш бандлари бўйича 9 ой давомида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчиман.

Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш борасида республикамиз молиявий бозорида 13 та кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит молиялари орқали катта миқдорда кредитлар ажратилди. Шунингдек иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 7276 та иш ўринларини яратиш учун 7124,0 млн. сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2176 та кам таъминланган оилага 1.245.0 млн. сўм маблағ ажратилди, 5496 та маҳалла ҳудудида кичик ва ўрта бизнес соҳасида жами 13903 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан кичик корхоналар ташкил этиш ҳисобига 54352 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 53073 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 26010 та оилавий бизнес ва касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 5597 та иш ўринлари яратилди.

Маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат марказининг жами 812 та шоҳобчаси ташкил этилиб, унинг натижасида 1066 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шунга қарамай, ҳали ҳам хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги масаласида амалга ошириш керак бўлган ишлар талайгина деб ўйлайман.

Маҳаллий ҳокимликлар эса илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаб фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Бугунги кунда демократик, адолатли, кучли фуқаролик жамиятини қуришга асос солинди ва бу йўлда салмоқли қадамлар ҳам қўйилди. Олдимизда ҳали улкан мақсадлар ва муаммолар бор экан, бугунги семинар-кенгашнинг барча қатнашчилари ушбу мақсадлар, орзу-ниятларни амалга оширишга, бугун қўйилган вазифаларни адо этишга сидқидилдан ёндашадилар деб ишонч билдираман.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА "МАҲАЛЛА" ЖАМҒАРМАСИНИНГ РОЛИ

(Давоми, аввали 1-бетда).

ларидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиб, янада амалиётга яқинлаштирилган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонундир.

Маҳалла жамоатчилиги кўз ўнгида ўтган 12 йил давомида маҳаллаларда шундай ислоҳотлар амалга оширилдики, буни инсоният тарихи ҳали кўрмаган эди.

Бу демак, маҳаллаларга ҳуқуқий мақом берилди, маҳаллаларга бир қатор давлат ваколатлари ўтказилди, жамият бошқарувида маҳалла илораси йўлга қўйилди, маҳалланинг кадрлар тизими мустаҳкамланди - раис, масъул котиб, "Маҳалла посбони" тузилмаси сардори, маҳалла педагог-тарбиячиси давлат бюджети ҳисобидан ойлик маош билан таъминланмоқда.

2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда бу тўғрида республика дастурининг қабул қилинганлиги ва унинг 9 ойлик ижроси натижалари юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида катта омил бўлди.

Шу билан бир қаторда айтиш жоизки, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўп. Энг асосийларидан бири, менинг фикримча, шу кунининг энг долзарб масаласи, бу ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ижроия органлари билан ўзаро муносабат механизмларини яратиш ва амалиётга жорий этишдан иборат деб биламан. Гап нима устида кетаётганлиги тушунарли бўлса керак. Яратилган муносабатлар механизми бу масаланинг ечимини рўй-рост топиб беради, деб ўйлайман.

Айнан, Обод маҳалла йилида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга биноан шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда навбатдаги сайловларни ўтказиш, маҳалла ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлади.

Маҳалла жамоатчилиги ҳаётидаги сайловлардек, улкан ва кенг миқёсдаги сиёсий тадбирни амалга оширилишида "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви, унинг жойлардаги барча бўлим ва бўлинмалари Олий Мажлис Кенгаши қарорини бажариш юзасидан ҳудудий тадбирларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар.

Ушбу тадбирларнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман. Улар икки қисмдан иборат.

БИРИНЧИСИ, бу ташкилий, амалий ишлар. Улар қуйидагилардан иборат:

1. "Маҳалла" жамғармасининг барча бўлим ва бўлинмалари вакилларининг жойлардаги сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш ишчи гуруҳлари таркибида фаол иштирок этишини таъминлаш.

2. "Маҳалла" жамғармасининг барча тизимида ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ўтказишда услубий, амалий ёрдам кўрсатувчи, кўмаклашувчи махсус ишчи гуруҳларини ташкил қилиш ва фаолиятини йўналтириш.

3. Олий Мажлис Кенгаши қарорида таъкидланганидек, сайловларга тайёргарлик кўришдаги энг асосий вазифа, бу, йиғинлар раиси (оқсоқоли) лавозимига шу кунининг талабига ҳар томонлама ва тўла жавоб берадиган муқобил номзодларни танлашга кўмаклашиш.

4. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси махсус гуруҳининг яна бир асосий вазифаси - маҳалла раисининг ўттан икки ярим йил давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботини тайёрлашга ва навбатдаги асосий масалаларнинг нималардан иборат эканлигини очиқ ва ойдин кўрсатишга услубий ёрдам бериш. Хусусан, ҳисобот фақаттина амалга оширилган ишларни таъкидлашдан иборат бўлмай, уни амалга ошириш жараёнларини таҳлил қилиш, юртимизда, айниқса, маҳаллалар ҳаётида амалга оширилган ислоҳотларга объектив баҳо бериш, маҳаллада ўтказилган тадбирлар натижасида маҳалла жамоатчилиги онгида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлганлиги, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтмоқ лозим бўлади. Ўттан сайловлардаги кўрсаткичларда аксарият маҳаллаларда молиявий, хўжалик ишлари бўйича олиб борилган ишларга юзаки эътибор берилганлиги маълум бўлган. Бу ҳол қайтарилмаслиги лозим. Бу борада тафтиш комиссиялари масалага жиддий ёндошишлари шарт.

5. Маълумки, маҳаллалардаги йиғинлар сайлов ёшидаги ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар иштирокида ёки уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади. Бу тадбир шунчаки ташкилий тадбир бўлмай, балки сайловчиларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ сиёсий тадбир ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, маҳалла кўча бошлиғи, бўлим бошлиқлари, кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳаллаларда уй бошлиқларига фуқаролар умумий йиғинига вакиллар сайлашда услубий кўмаклашиш, "Маҳалла" жамғармаси махсус гуруҳи аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлардан биридир. Шуни таъкидлаш жоизки, вакиллик сонини ҳар бир маҳаллада, туман, шаҳар кўмаклашувчи комиссиялари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ички имкониятларни ҳисобга олиб маҳалла ишчи гуруҳи белгилайди.

6. Сайлов натижалари кўп жиҳатдан йиғин ўтказиш жойи, вақти билан ҳам белгиланади. Бунда имкон қадар маҳалланинг ўз гузарида, имкон бўлмаган тақдирда маҳалла ҳудудидаги мавжуд мактаб, лицей, коллеж ёки ташкилот, муассаса, корхоналар мажлислар залидан фойдаланиш мумкин бўлади. Залда овоз кучайтиргич ва бошқа зарурий қулайликларнинг мавжудлиги мажлиснинг унумли ва юқори савияда ўтишига имкон беради. "Маҳалла" жамғармаси ходимлари бу масалада ҳам жойларда ташкилий ишларни йўлга қўйиб юбордилар.

7. Маҳалла ҳаётида унинг ҳудудидаги ташкилот, корхона, муассасалар вакилларининг иштирокини таъминлаш, улар билан ҳамкорликда олиб борилган ва олиб бориладиган ишларни биргаликда ҳал қилиш ҳам фуқаролар йиғинида кўриб чиқилса маъқул бўлади. Бу масалага ҳам эътибор қаратиш, умумий фаолият йўналишини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

8. Фуқаролар йиғинини олиб бориш масаласида "Маҳалла" жамғармаси маҳаллалардаги ишчи гуруҳларига тегишли амалий тавсияларни бериб борадилар. Шунингдек, йиғин қарори лойиҳасини тайёрлаш, баённомани ёзиш ишларига ҳам жамғарма ходимлари ва фаоллари доимий амалий ёрдам кўрсатадилар.

Маҳаллаларда сайловларни ўтказишдаги "Маҳалла" жамғармаси тадбирларининг ИККИНЧИ ҚИСМИ, бу ташвиқот-тарғибот ишларидир. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Сайловларга тайёргарлик кўриш, номзодлар кўрсатиш, сайлаш тартибларини, умуман, ушбу жараённи маҳалла аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш, тегишли маълумотларни маҳалла фаолларига ўз вақтида етказишни ташкил қилиш, барча оммавий ахборот воситаларига кўмаклашиш учун Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳузурида Ахборот маркази ташкил қилинди ва ўз фаолиятини бошлаб юборди.

2. Ташкил этилган Ахборот гуруҳининг амалий ишларидан бири Республика Олий Мажлиси Кенг

# Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича

# ТАВСИЯЛАР

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунинг мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши 2001 йил 9 апрелда қабул қилган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги намунавий низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайловни ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳар маҳаллаларида эса ишчи гуруҳлари тузилади.

Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли ҳокимларнинг қарори билан сайлов даври учун тузилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилиши кўзда тутилган. Тегишли ҳудудда фуқаролар йиғини ёки фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилиши ишчи гуруҳи томонидан белгиланади. Бинобарин, йиғин ўтказишнинг имкони бўлмаса, раисни (оқсоқолни), унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун фуқароларнинг вакиллари сайланади. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ва шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари белгилайди (Қонуннинг 18-моддаси).

Фуқароларнинг вакиллари ҳовлилар, кўп қаватли уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳаларда яшовчи фуқаролар умумий йиғилишининг қарори билан сайланади. Таркибида бир неча маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларига вакиллар маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан сайланиши мумкин.

Вакиллар аҳолининг турли тоифа ва табақаларининг (ёшлар, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар ва ҳ.к.) манфаатларини ифодалайдиган кишилар бўлишига эътибор берилиши лозим.

Вакилларни сайлаш бўйича фуқароларнинг умумий йиғилишлари ишчи гуруҳи томонидан олдиндан тузилган жадвал асосида ўтказилиши ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловигача барча ҳудудларда бўлиб ўтиши шарт.

Вакилларни сайлашга бағишланган фуқароларнинг умумий йиғилишида ишчи гуруҳ аъзолари ҳам иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Бундай умумий йиғилишнинг баённомаси йиғилиш котиби томонидан юритилади, қабул қилинган қарор котиб ва ишчи гуруҳи аъзоси томонидан имзоланиб, ишчи гуруҳга тақдим қилинади.

Фуқароларнинг умумий йиғилишида ҳар бир киши ўз фикри ва ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этиш учун тўлиқ шароит яратилган бўлиши лозим. Умумий йиғилиш иштирокчилари сайланаётган вакилларга ўз тилакларини, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўрсатилаётган номзод юзасидан фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини билдириш имкониятига эга бўлиши керак.

Демак, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун вакиллар сайланганидан сўнг вакиллар йиғилишига тайёргарлик бошланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига битта ёки бир нечта номзод кўрсатилиши мумкин. Ишчи гуруҳи раис (оқсоқол) лавозимига кўрсатиладиган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни туман, шаҳар комиссиясига тегишли ҳоким билан келишиб олиш учун тақдим этиши лозим.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига тавсия қилинаётган номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли, ташкилотчилик қобилиятига, раҳбар лавозимида иш тажрибасига, етарли даражада билимга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор ва ҳурматга эга, ташаббускор, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида ишлашга қодир шахс бўлишига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Йиғилиш қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ("Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси).

Ишчи гуруҳи йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақтни аҳолига олдиндан хабар қилади. Шунингдек, ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини раҳбарлари билан биргаликда йиғилиш кун тартибини тузади, унга раис (оқсоқол)нинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини, тафтиш комиссияси ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар таркибини сайлаш, масъул котибни тайинлаш, фуқаролар йиғини кенгашини тузиш каби масалалар киритилади.

Йиғилишга келган вакиллар йиғилиш бошланишидан олдин рўйхатдан ўтказилади. Йиғилишни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғилишни ишчи гуруҳи раиси олиб боргани маъқул.

Кун тартиби йиғилишда раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва қатнашчилар томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғинида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида раиснинг (оқсоқолнинг) ҳисоботи эшитилади. Раис (оқсоқол) бўлмаган тақдирда унинг маслаҳатчиларидан бири ҳисобот бериши мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) сайлови умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Раис (оқсоқол) сайлови муқобиллик асосида ўтказилаётганда, агар вакиллар йиғилиши бошқача қарорга келмаса, сайлов, қоида тариқасида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Овоз беришдан олдин раис (оқсоқол) лавозимига кўрсатилган номзодлар сўз олиб ўзларининг келажак фаолият дастурлари ва режалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирадилар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) муқобиллик асосида сайланаётганида кўрсатилган номзодлар йиғилишда раислик қилувчи томонидан алфавит тартибида овозга қўйилади.

Сайлов яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган ҳолларда номзодларнинг исми, шарифи ва фамилияси алфавит тартибида қайд этилган бюллетенлар, сайлов қутилари тайёрлаш лозим. Сайлов натижаларини ҳисобга олиш учун эса саноқ комиссияси тузилиши керак.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзоди йиғилишда қатнашаётганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда сайланган ҳисобланади.

Йиғилиш маслаҳатчиларни сайлаш учун номзодлар ва уларнинг вазифалари тўғрисида таклифни раис (оқсоқол) киритади. Номзодларнинг таркиби уларга юклатилаётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчиларини сайлаш яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овоз бериш шакли йиғилиш томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари уларнинг номзоди учун йиғилишда қатнашаётганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб берган тақдирда сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғининнинг масъул котиби фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тақдимига кўра тайинланади ("Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси).

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ҳам очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маъмурий комиссия тузилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар таркибига ҳовлилар, кўп қаватли уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан сайланган вакилларнинг киритилиши, комиссияларнинг раислигига эса тегишли - маслаҳатчилар сайланиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, улар комиссия ишини тўғри ва адолатли ташкил этишга ёрдам бериш билан биргаликда, ўзини вакил қилиб сайлаган аҳолининг мақсад ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд муаммоларни кўтариш ва ҳал этиш имконига эга бўлади.

Вакиллар йиғилиши якунлари бўйича тегишли баённома расмийлаштирилади ва қабул қилинган қарорлар янги сайланган раис (оқсоқол) ва масъул котиб томонидан имзоланиб, тегишли туман, шаҳар комиссиясига тақдим э тилади.

---

*Намуна*

**Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши**

**БАЁННОМАСИ**

*2003 йил 5 ноябрь* *Чиғатой Оқтепаси қишлоғи*

**ИШТИРОК ЭТДИЛАР:**

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқароларидан сайланган 50 нафар вакиллардан 42 нафари *(рўйхат илова қилинади).*

**ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛАР:**

А.А.Аҳмедов - туман ҳокимининг ўринбосари.

М.М.Маҳмудов - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг раиси *(вакили).*

З.З.Зойтов - "Маҳалла" жамғармаси туман бўлимининг раиси.

*(Йиғилишда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудидаги корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, ишркат хўжалиги раислари иштирок этишлари мумкин).*

Йиғилишни олиб бориш учун қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғинига сайловни ташкил этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг раиси ҳамда фуқаролар вакиларидан иборат таркибда раёсат сайланади.

Йиғилишни қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи тузилган ишчи гурухининг раиси олиб боради.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғинининг 2001 йил июль-2003 йил ноябрь ойлари оралиғидаги даврдагифаолияти бўйича фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* ҳисоботи



2. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг ҳисоботи

3. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисини *(оқсоқолини)* сайлаш

4. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* маслаҳатчиларини сайлаш

5. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини сайлаш

6. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раислари ва аъзоларини сайлаш

7. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котибини тасдиқлаш

8. Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини кенгашини тузиш

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғинининг 2001 йил июль-2003 йил ноябрь ойлари оралиғидаги даврдаги фаолияти бўйича фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* ҳисоботи *(маъруза илова қилинади).*

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

(Сўзга чиққанларнинг ф.и.ш., иш жойи ва лавозими кўрсатилиб, фикрларининг асосий мазмуни ёзилади (*ёки нутқ матни илова қилинади*). Сўзга чиққанлар фуқаролар йиғини раисининг (кенгашининг) фаолиятига баҳо берадилар, ўз таклиф ва ҳулосаларини билдирадилар)

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* фаолиятини баҳолаш бўйича овоз бериш ўтказилади.

Қониқарли ____ ёқлаб, ____ қарши, ____бетараф

Қониқарсиз ____ ёқлаб, ____ қарши, ____бетараф

Овоз бериш натижаларига кўра йиғилиш қарори қабул қилинади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**



Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* фаолияти қониқарли (қониқарсиз) деб топилсин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибдаги иккинчи масала юзасидан Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг ҳисоботи *(ҳисобот илова қилинади).*

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

(Сўзга чиққанларнинг ф.и.ш., иш жойи ва лавозими кўрсатилиб, фикрларининг асосий мазмуни ёзилади (*ёки нутқ матни илова қилинади*). Сўзга чиққанлар тафтиш комиссиясининг фаолиятига баҳо берадилар, ўз таклиф ва ҳулосаларини билдирадилар)

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш бўйича овоз бериш ўтказилади.

Қониқарли ____ ёқлаб, ____ қарши, ____бетараф

Қониқарсиз ____ ёқлаб, ____ қарши, ____бетараф

Овоз бериш натижаларига кўра йиғилиш қарори қабул қилинади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг ҳисоботи қониқарли (қониқарсиз) деб топилсин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибдаги учинчи масала - Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисини *(оқсоқолини)* сайлаш

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғинига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг раиси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси *(оқсоқоли)* лавозимига номзод (номзодлар) бўйича таклиф киритади. Тавсия этилаётган номзоднинг (*номзодларнинг*) таржимаий ҳоли ва меҳнат фаолияти билан йиғилиш иштирокчиларини қисқача таништириб ўтади.



**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

Сўзга чиққанларнинг ф.и.ш., иш жойи ва лавозими, билдирган фикр ва мулоҳазалари тўлиқ ёзилади.

Йиғилиш раиси фуқаролар йиғини раислигига тавсия этилаётган номзодни ёки номзодларни сайлаш очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиши таклифини овозга қўяди. Сўнгра йиғилиш раиси таклифига биноан очиқ (*ёпиқ*) овоз бериш йўли билан ўтказиладиган сайловнинг саноқ комиссияси йиғилиш иштирокчилари ичидан сайлаб олинади. Сайлов ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилаётган бўлса сайлов бюллетенлари тайёрланиб, номзодлар алфавит тартибида ёзилади. *(Овоз бериш натижалари бўйича саноқ комиссиясининг раиси ахборот беради).*

Саноқ комиссиясининг ахбороти юзасидан овоз бериш ўтказилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Миркомил Ҳожиаҳметович Жўраев Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фукаролар йиғини раиси этиб сайлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги тўртинчи масала - қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* маслаҳатчиларини сайлаш

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) маслаҳатчилар таркиби ва фаолиятлари йўналиши юзасидан таклиф киритади. (Номзодлар номма-ном тавсия этилиб, ф.и.ш., иш жойи ва лавозими, ящаб турган мансили тўлиқ кўрсатилади).

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* маслаҳатчилари номзодлари юзасидан овоз бериш ўтказилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролари вакиллари йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* маслаҳатчилари этиб қуйидагилар сайлансин: *(рўйхат алфавит тартибида тўлиқ ёзилади).*



**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги бешинчи масала - қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғининнинг тафтиш комиссиясини сайлаш

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғининнинг тафтиш комиссияси аъзолигига номзод йиғилиш иштирокчилари томонидан киритилади. *(Сўзга чиққанларнинг ф.и.ш., иш жойи ва лавозими, билдирган фикр ва мулоҳазалари тўлиқ ёзилади).*

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғининнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан овоз бериш ўтказилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаларига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Чиғатой Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси ____ кишидан иборат қуйидаги таркибда сайлансин: *(рўйхат алфавит тартибида тўлиқ ёзилади).*

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги олтинчи масала - қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссия раиси ва аъзоларини сайлаш.

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раислари ва аъзоларини сайлаш юзасидан қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси таклиф киритади.

Таклиф юзасидан овоз бериш ўтказилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Чиғатой Оқтепаси қишлоқ (шаҳарча, овул, маҳалла) фуқаролар йиғининнинг асосий йўналишлари бўйича *(комиссиялар номи тўлиқ ёзилади, таркиби кўрсатилади)* комиссияси ____ кишидан иборат қуйидаги таркибда сайлансин: *(рўйхат алфавит тартибида тўлиқ ёзилади).*



**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги еттинчи масала - қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котибини тасдиқлаш

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котиб юзасидан фуқаролар йиғининнинг раиси таклиф киритади.

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котибини тасдиқлаш юзасидан овоз бериш ўтказилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Нуриниса Қодировна Содиқова Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котиби этиб тасдиқлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги саккизинчи масала - қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини кенгашини тузиш

Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини кенгаши янги сайланган қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси *(оқсоқоли)*, унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғининнинг масъул котибидан иборат таркибда тузилади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини кенгаши қуйидаги таркибда тузилсин: *(рўйхат алфавит тартибида тўлиқ ёзилади).*

**Йиғилиш раиси** И М З О Ф. И. О. _____

**Йиғилиш котиби** И М З О Ф. И. О. _____

М. Ў.



*Намуна*

**Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши**

**ҚАРОРИ**

*2003 йил 5 ноябрь* *Чиғатой Оқтепаси қишлоғи*

**Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғининг 2001 йил июль-2003 йил ноябрь ойлари оралиғидаги даврдаги фаолияти юзасидан фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* ҳисоботи ҳақида**

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* ҳисоботи қониқарли *(қониқарсиз)* деб топилсин.

**Йиғилиш раиси** И М З О Ф. И. О.

**Йиғилиш котиби** И М З О Ф. И. О.

М.Ў.



*Намуна*

**Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши**

**ҚАРОРИ**

*2003 йил 5 ноябрь* *Чиғатой Оқтепаси қишлоғи*

**Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул,маҳалла)* фуқаролар йиғини раисини *(оқсоқолини)* сайлаш ҳақида**

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Тошкент вилояти, Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Миркомил Хожиахметович Жўраев Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси *(оқсоқоли)* этиб сайлансин.

**Йиғилиш раиси** И М З О Ф. И. О.

**Йиғилиш котиби** И М З О Ф. И. О.

М.Ў.



*Намуна*

**Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиши**

**ҚАРОРИ**

*5 ноябрь 2003 йил* *Чиғатой Оқтепаси қишлоғи*

**Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул,маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* маслаҳатчиларини сайлаш ҳақида**

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 13 ҳамда 20-моддаларига мувофиқ Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раисининг *(оқсоқолининг)* маслаҳатчилари ____ кишидан иборат қуйидаги таркибда *(рўйхат илова қилинади)* сайлансин.

**Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси *(оқсоқоли)*** И М З О Ф. И. О.

**Йиғилиш котиби** И М З О Ф. И. О.

М.Ў.



*Намуна*

**Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиш**

**ҚАРОРИ**

*2003 йил 5 ноябрь* *Чиғатой Оқтепаси қишлоғи*

**Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул,маҳалла)* фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини сайлаш ҳақида**

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Тошкент вилояти, Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси ____ кишидан иборат қуйидаги таркибда *(рўйхати илова қилинади)* сайлансин.

**Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раиси *(оқсоқоли)*** И М З О Ф. И. О.

**Йиғилиш котиби** И М З О Ф. И. О.

М.Ў.



*Намуна*

**Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакилларининг йиғилиш**

**ҚАРОРИ**

*2003 йил 5 ноябрь* *Чиғатой Оқтепаси қишлоғи*

**Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котибини тасдиқлаш ҳақида**

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Тошкент вилояти, Зангиота тумани Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини вакиллар йиғилиши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нуриниса Қодировна Содиқова Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой Оқтепаси қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини масъул котиби этиб тасдиқлансин.

**Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини раси** И М З О Ф. И. О.

**Қишлоқ *(шаҳарча, овул, маҳалла)* фуқаролар йиғини котиби** И М З О Ф. И. О.



Обуна-2004

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Сиз ўз газетангиз— «Mahalla»га Ўзбекистоннинг ҳар бир алоқа бўлими, киоска, хуллас, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг ҳар бир тармоғидан обуна бўлишингиз мумкин.

*-Яна нима дейди?*
*-Сайлов бўлади, - дейди!*

● Фахр

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК АФРО-ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ!

**Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган I Афро-Осиё ўйинларида спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Айниқса, бокс ва футбол бўйича беллашувлар минглаб спорт мухлис ва мутахассислари эътиборида бўлди.**

Боксчиларимиз - Дилшод Маҳмудов, Бахит Сарсекбаев, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, Рустам Саидов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Тажрибали боксчилар - Сергей Михайлов ҳамда Икром Бердиевга бронза медали насиб этди.

Равил Начаев 50 метр масофага ўтказилган сузиш баҳсида маррага биринчи етиб келиб, чемпион унвонини қўлга киритди.

Сузувчиларимиз - Олег Пухнатий, Александр Агафонов, Пётр Васильев ҳамда Темур Эргашев 4х200 метрлик эстафетада учинчи ўринни эгаллади.

Ўқотар Вячеслав Скромов 50 метр масофадан нишонга отиш беллашувида кумуш медаль соҳибига айланди.

Афро-Осиё ўйинларида футболчиларимиз эришган муваффақият ишқибозларни беҳад қувонтирди.

Виктор Борисов бош мураббийлик қилаётган ёшлар терма жамоаси гуруҳ баҳсларида Эрон ва Буркина-Фасо вакилларини бир хил - 1:0 ҳисобида енгиб, Зимбабве билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнагандан сўнг ярим финалга чиққанди.

Ҳамюртларимиз ярим финалда Африканинг яна бир кучли вакили - Руандага қарши майдонга тушди. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Рақиб дарвозасига тўпни «Нефтчи» аъзоси Мансур Саидов киритди. Ғолиб қўшимча вақтда аниқланди - «Машъал» аъзоси Константин Боев «олтин гол»ни уриб, терма жамоамизни финалга чиқарди - 2:1.

Финалда вакилларимиз Зимбабве жамоасини 5:3 ҳисобида мағлуб этган Ҳиндистон миллий терма жамоаси билан куч синашди. Ўзбекистон футбол федерациясидан маълум қилишларича, унда иқтидорли футболчи Исдом Иномовнинг ҳиндистонликлар дарвозасига киритган ягона голи вакилларимизнинг ғалабасини таъминлаган - 1:0. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Афро-Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

Беш учрашувдан тўрттасида клаба қозониб, биттасида дуранг натижага эришган футболчиларимиз Африка ва Осиё терма жамоалари билан куч синашиб, маҳоратини оширди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ.**

Ҳ. СОДИҚОВ чизган.

● Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан

# КОМИЛЛИККА УНДОВЧИ АСАР

*Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг Хўжа Ориф ва бутун хожагонларга айтган сўзлари Хожа Муҳаммад Порсонинг "Жомеъ ул-калим" китобига "Муқаддима" номли асарида ўз аксини топган.*

Асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари хазинасида сақланмоқда. Олийгоҳдаги Шарқ қўлёзмалари тўпламида бу асар 2178 - 3039/ш тартиб рақами остида қайд этилган. Бу қўлёзмада муаллиф Абдухолиқ Ғиждувоний ва бошқа хўжагон-нақшбандия тариқати шайхлари томонидан илгари сурилган амалий ва назарий ҳолатларни муҳокама қилган. Бу ҳолатлар туркумига руҳни "раҳмоний", "малаконий", "нафсоний", "шайтоний" англаш киради. Бу йўлга кирувчи ва ҳар қандай киши тўрт хил: олий - илоҳий, фаришталарга, инсоний-ҳиссий, таниш, шайтоний ҳолатларни англаши, ўрганиши лозим. Бу эса комил инсонни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Раҳмоний хотиранинг аломати ғафлатдан огоҳлик топиш, малоконий хотирнинг белгиси тоатга тарғиб этиш, нафсоний хотирнинг аломати шаҳватга берилишдир, шайтоний хотирнинг аломати маъсият билан безанишдир. Демак, хотирни таниш саодатга етиш сабабидир. Хотирни таниш нима билан ҳосил бўлади, деб сўраганларида шайх Хўжайи Жаҳон айтганлар: "Биринчиси шуки, хотирни таниш юз бериши учун таҳоратли бўлиш лозим. Ботин таҳорати, яъни кўнгил поклигининг шартлари кўпдир. Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотларида умуминсоний маънавий-ахлоқий қадрият сифатида қадрланиб келинадиган бу олижаноб фикрлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, чуқур мазмунга эга бўлган "қундузи яхши кишилар билан суҳбат қуриш лозим"лиги инсонларни фақаттина ҳалолликкга даъват этади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган асар шогирдларидан Ориф ар Ревгаий-Моҳитобон ва бутун хожаганларга атаб ёзилган.

Шунинг учун асарнинг 18 а бетида бошланишида асар номидан кейин "Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг Хўжа Ориф ва бутун хожагонларга айтган сўзларидан" деб ёзгандир, "бутун хожаганлар" эса булар Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган хожагонлик тариқати аҳлларидир.



Биз биламизки, Хўжайи Жаҳон асосчиси ҳисобланган хўжагон тариқатидан кейинчалик Яссавий тариқати келиб чиққан, у кишининг руҳлари Ҳазрат Баҳоуддинни тарбия қилган. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти асосида Нақшбандия таълимоти вужудга келган.

Асарнинг асосий мазмуни шундан иборатки - солик, яъни Ҳақ талабгори, унга етишмоқчи бўлган киши маънавий камолотга эришишида, унга тўсиқ бўладиган томонларни енгиш учун маълум шартларни бажариши керак.

Хўжаи Жаҳоннинг таъкидлашича, ботинимиздаги нафс солик учун биринчи тўсиқ дейилади. Асарда бу қуйидагича баён этилади. "Нафсингизни эҳтиёт қилинг. Нафс ботин ишдир. Киши доимо Оллоҳ билан бўлсин ва хотирида ўзга нарсага йўл қўймасин" деб таъкидланади асарда.

Инсон сабр-қаноат билан тўғри яшаши, руҳини, иродасини чиниқтира бориши, инсонийликка эриша бориши муҳимдир. Хўжа Абдулҳолиқ Ғиждувоний "Маслак ал орифин" асарининг "Нафснинг сифатлари ва унинг ҳолатини ўзгартириш" номли 10-бобида нафснинг тўрт хил мартабаси борлиги -

1. Нафси аммора - ёмонликка ундайди.
2. Нафси лаввома - инсон ўзини идора қила бошлаган пайти.
3. Нафси мулҳима - яхшиликка илҳом берувчи.
4. Нафси мутмаина - хотиржамлик.

кўрсатиб ўтилган. "Нафснинг камолот йўли аммораликдан мутмаиналикка етишдир. Бунинг жуда катта жидду жаҳд билан амалга ошиши ва натижада зулмонийликдан покланиш даражасига етишиши" ни айтади.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний навбатдаги ўгити сифатида"тоатга риоя қилиш" ни келтиради. "Тоат" яъни "бўйсуниш" деган маънони англатиб, руҳий камолот учун фақаттина Оллоҳга бўйсуниш, илоҳий йўлга бўйсунишдир.

Кейинги шарт ҳам зоҳирда, ҳам ботинда покликдир. Маънавий поклик сўфий бийнинг энг биринчи вазифаси - бурчидир. Софликни яшаш қоидаси қилиб олиш лозимдир, бу ботиний поклик. Шу билан бирга ҳақиқий сўфий барча диний фарз амалларини яъни рўза тутиш, намоз ўқиш, ҳаж, закот бериш амалларини бажариши лозим.

Натижада, Абдулҳолиқ Ғиждувоний солик юқоридаги шартларни бажаргандан кейин, яъни нафсини тийиб, доимо фақат Оллоҳ билан бўлиб, хотирага ўзга тубан истак, ғализ нарсага йўл қўймаслан, тоатга риоя қилиб, зоҳир ва ботинни поклаб, ғофил билан суҳбатни тарк этгандан кейин нурларни қабул қилишга тайёр бўлади. Юқоридаги шартлар эса нурларни қабул қилишга тўсиқ бўлувчи пардалардир. Абдухолиқ Ғиждувоний шу "Жомеъ ал калом" да илоҳий хусусиятга эга 10 хил нур мавжудлигини таъкидлайди. Бу нурларни қабул қилган киши илоҳий ишқда ёниб, тавҳид даражасига етганлигини кўрсатди. Бу йўлнинг афзали иймон - яъни юракда Оллоҳдан ўзга нарса бўлмаслиги, Имон, Оллоҳ ризолигидан ўзга барча масалаларни қалбдан йўқ қилади. Иккинчиси нуринслом - фақат Оллоҳ иродасига бўйсуниш, учинчиси - нури тавҳид, яъни олам билан Оллоҳнинг асли бирлигини тушуниш, тўртинчиси - нурли маърифат яъни таниш, ҳақиқий билимлар билан зиёли бўлиш, Оллоҳнинг жамолини таниш, бешинчиси - нури ҳидоят -яъни маърифатли бўлгандан кейин, тўғри йўлга бошловчилик қилиш, олтинчиси - нури ёлғгард - дил зикри, еттинчиси - нури бозгашт - қайтиш, қайта-қайта Оллоҳни ёдда сақлаш, саккизинчиси - нури нигоҳдошт - ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, ташқи оламдан нажралиш учун интилиш бўлиб, хаёлни бошқа нарсаларга умуман юбормаслик, тўққизинчиси - нури ёддошт - яъни зикр -Оллоҳ номини доимо ёдда тутиб огоҳ бўлиш, ўнинчиси - нури шайхдурким яъни муршид нури - бу нурсиз мурид ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди. Бу борада Хўжайи Жаҳон шундай деганлар:

"Муриднинг комилу-мукаммал шайхга эҳтиёжи кўпдир" Хуллас, ана шу 10 та нурни ўзига қабул қилган солиқ кейин ўзидан нур чиқаради. Хўжайи Жаҳон бу асарида ўнта нурни қабул қилгандан кейин, қуйидаги тариқат ва мақомларга риоя қилиш кераклигини таъкидлайди.

"Солик ихлос тариқатида бўлиши керак" дейилади. "Ихлос" холис сўзидан олинган бўлиб, пок ҳолатда Оллоҳ ризолиги учун амал қилишдир.

Ужб-тариқатида бўлмасин, яъни табарруклик қилмасин, деб таъкидланади. Ҳамма нарсага Оллоҳ иродаси билан эришаётганлигини тушуниши керак. Агар такаббурлик тариқида бўлса Оллоҳ нуридан маҳрум бўлишини билиши кераклиги кўрсатилган.

Шунинг учун ниёзмандлик - яъни ўзни ожиз, шикаста ҳисоблаш Оллоҳга тан бериш мақомида бўлиши керак дейилади. Ёдкард мақомидан бозгашт мақомига етади. Кейин бозгашт мақомидан нигоҳдошта ўтилади. Шу тариқат йўлига кирган киши шайхидан ижозат олиши кераклиги таъкидланади.

Шунингдек, бу манбада тил ва дилнинг бир хил бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритилиб, 20 а саҳифасида авомнинг тили ва дили бир хил бўлиши, айтган сўзни амалда ҳам бажариши керак, ботинида бошқа нарсани ўйлаб, зоҳирий зикрга уни тўсиқ қилмаслиги ҳақида шундай дейилади: "Айтилар тариқат ва ҳақиқатдан ижозат бўлдики, авомнинг зоҳирий гапириши авомнинг ботиний гапиришига тўсиқ бўлмайди. Унинг ботиний сўзлари, зоҳир зикрига моне бўлмаслиги керак". Ҳатто бу ерда солиқ тўстўполонли, ғала-ғовур жойларда, сершовқин савдо авжига чиққан бозорда ҳам ўзини йўқотмаслиги, зикрига тўсиқ бўлмаслиги, бундан шарафлироқ йўл йўқлиги таъкидланади.

Хулоса қилиб айтганда, Хўжайи Жаҳоннинг назарий меросидаги муҳим манбалардан бири бўлмиш ушбу "Жомеъ ул калим" номли асари инсонни маънавий камолотга етказувчи дурдоналардан биридир.

**Ойгул ШАРИПОВА,**
**Бухоро Давлат университети фалсафа фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди.**

● Тарихдан тарақдек...

# ЎЗБЕКИСТОН - БУЮК МУҲАДДИСЛАР ВАТАНИ

(Давоми, аввали ўтган сонда).

## Аш-Шоший

Юртимиздан чиққан улуғ сиймолардан яна бири имом аш-Шоший бўлиб, унинг тўлиқ исми Абу Саъийд ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж ибн Маъқил аш-Шошийдир. Афсуски, ҳозирги маълумотларга кўра, ёзма манбаларда олимнинг туғилган йили ҳақида аниқ сана кўрсатилмаган бўлсада, бироқ, баъзи муаррихларнинг асарларида, жумладан, араб тарихчиси Шамсиддин аз-Заҳабийнинг (1274-1347) "Сийар аълом ан-нубало" ("Олийжаноб алломалар сийратлари") номли йирик асарида аш-Шошийнинг ҳижрий учинчи асрнинг 70-йилларида (мелодий 880-890 йиллар оралиғида) туғилганлиги қайд этилган. Чунки аш-Шошийнинг турли илмлар, айниқса, ҳадис илми билан астойдил шуғулланиши ва ўша даврнинг бир қанча таниқли ҳадисшунос олимларидан таълим олганлиги айнан шу даврга тўғри келади. Бунга қўшимча яна бир муҳим жиҳати борки, Абу Саъийд аш-Шоший улғайиб, ҳадис билан шуғулланган даврда бу илм Моровроуннаҳр ва Хуросонда юксак чўққисига кўтарилган ва ҳадис илмининг олтин даври сифатида эътироф этилган эди. Айни шу асрда бутун дунёга машҳур бўлган олти ишончли ҳадис тўпламларининг муаллифлари - буюк имом ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳаджож, Абу Довуд ас-Сижистоний, Ат-Термизий, Ан-Насоий, Ибн-Можа фаолият кўрсатган эдилар. Албатта, ушбу омилларнинг кучли таъсири остида Абу Саъийд аш-Шошийнинг илмий-маънавий дунёси шаклланади. У ҳадис илмининг ўша пайтдаги йирик марказлари ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда таниқли муҳаддислардан сабоқ олди. Шундан кейин ўз илмини янада мукаммаллаштириш мақсадида хорижий юртларга илмий сафарга чиқади. Жумладан, Балх шаҳрида Исо ибн Аҳмад ал-Асқолоний, Зикриё ибн Аҳё Ал-Марвазий, Бағдодда Аббос ад-Дурий, Яҳё ибн Жаъфар аз-Забарқоний, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Зиёд каби таниқли ҳадисшунослардан сабоқ олган. Умуман олганда имом Аш-Шошийнинг устозлари жуда кўп бўлиб, элликдан ортиқ машҳур олиму машойихлардан ҳадис ўрганганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Унинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий, маккалик Абул Ҳасан Ал-Баговийларни кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида имом Абу Саъийд аш-Шоший ҳам кўп шогирдлар етиштирган бўлиб, уларнинг энг йириклари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний, Абул Қосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Музоъий, Абу Наср ал-Бухорий ал-Калабозий, Мансур ибн Наср ибн Абдураҳим ас-Самарқандий кабиларни айтиш лозим. Афтидан Аш-Шоший илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари мана шу шаҳарларда яшаганлар. Умрининг охирги йилларида имом Абу Саъийд аш-Шоший Бухорода истиқомат қилиб, кейин Шошга келган ва ҳижрий 335 (мелодий 946) йилда вафот этган.

Ўрта асрларда яшаган қатор араб муаллифлари имом Абу Саъийд аш-Шошийнинг ҳадис илмининг буюк алломаларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлагандар. Ёқут ал-Ҳамавий: "Абу Саъийд аш-Шоший буюк имом, ҳофиз, кўп мамлакатларни кезган жаҳонгашта, ишончли ҳадислар муаллифи, Моровроуннаҳрнинг таниқли муҳаддиси эди", Шамсиддин аз-Заҳабий: "Аш-Шоший имом, ҳофиз, жаҳонгашта, адиб бўлган", Ибн ал-Имод: "У Моровроуннаҳрнинг йирик муҳаддиси бўлиб, у келтирган ҳадислар ишончлидир". Мана шу қисқа-қисқа таърифлардан ҳам кўриниб турибдики, имом Абу Саъийд Аш-Шоший ўз даврининг етук муҳаддиси ва адиби сифатида шуҳрат қозонган.

Абу Саъийд Аш-Шоший қолдирган ёзма мерос ҳақида маълумотлар келтирган муаллифлар унинг фақат пайғамбар Алайҳиссалом ҳадисларига бағишланган "Ал-Муснад" (баъзи манбаларда бу асар "Ал-Муснад ал-Кабир" деб келтирилган) номли асарини зикр этиб, бошқа асарлари ҳақида ҳеч нарса ёзмаганлар. Ҳар ҳолда баъзи манбаларда Аш-Шошийнинг адиб деб таърифланишидан у адабиётга оид асарлар ҳам яратган бўлиши керак. Келажакда унинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бу масалага аниқлик киритади, деб ўйлаймиз. Имом Аш-Шоший биз авлодларга қолдирган "Ал-Муснад" номли муҳим асари икки катта жилддан иборат йирик китоб бўлиб, у тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Ҳозирги маълумотларга кўра бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги аз-Зоҳирия кутубхонасида (277 рақам остида) сақланган бўлиб, кейинчалик Дамашқдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган "Мактабат ал-Асад" номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 588 (мелодий 1163) йилда ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий исмли ҳаттот томонидан насх хатида кўчирилган. Абу Саъйид Аш-Шошийнинг бу қимматли асари 1990 йилда Дубайдаги "Марказ ал-даъват вал-иршод"нинг аъзоси йирик ҳадисшунос олим доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан талқиқ этилиб, бир неча жилдда Мадинаи Мунаввара да нашр ҳам этилган. Ҳар томонлама мукаммал илмий асосга таянib бажарилган ушбу нашр, шубҳасиз, бундан минг йиллар мақаддам буюк ватандошимиз имом аш-Шоший ҳазратлари томонидан яратилган улкан илмий-маънавий меросни ўрганишда катта аҳамиятга моликдир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Тошкент Ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори.**

**СИЗ ХАРИД ҚИЛДИНГИЗ!**

**Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишини кафолатлайди.**

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги

ҚОНУНИДАН

**Обуна-2004** • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla •

Ф. МТ-1

АБОНЕМЕНТ газета / журнал **Mahalla** 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.и. жойи **Mahalla** 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

**Эшитмадим, деманглар!!!**

обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофотлари бор!

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:**

● ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

**Туманлар бўйича:**

● ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

**Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:**

● ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.

**Ўз маҳалласида** 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига тахририятнинг махсус мукофоти берилади.

Обуна бўлинганлик ҳақидаги ҳужжатлар тахририятга тақдим этилади.

**ТАҲРИРИЯТ**




**Эълонлар**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан Мирзабаев Дилмурод Ахмеджанович номига 2000 йил 30 майда берилган 0513506 рақамли уй жиҳоз буюмлари, мебель тайёрлаш, таъмирлаш ва сотиш ҳуқуқини берувчи савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.**

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 12 майда Муҳамедов Шуҳрат номига берилган 0518375 рақамли экспорт импорт операцияларини амалга оширган ҳолда чакана савдо ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.**

Панова Лидия номига 1993 йил 27 январда берилган 04-02/9052 рақамли уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.**

**МУНАЖЖИМЛАР ТАЖБИРИ**

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Шу кунларда қутилмаганда ва фавқулодда таклиф этилган тадбирларда қатнашмаганингиз маъқул. Бирон бошни оғритадиган танишлар орттиришингиз эҳтимол.

**СИГИР(22.0420.05)**

Кейинги вақтда атрофингизда ўралашиб юрган «ишчан» ҳамкорлар тўғрисида «улар мени алдамасалар керак» деб ўйлаётган бўлсангиз хато қиласиз...

**ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)**

Касбий фаолиятингизда ҳам, шахсий ҳаётингизда ҳам одатдагидан кўпроқ ҳушёр бўлишингиз талаб этилади. Хавотирга ўрин йўқ, ҳар эҳтимолга қарши, холос.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Дам олиш кунларини катта молиявий тадбир билан боғлиқ хавотирлар оғушида ўтказасиз. Билингки, бу сафар хавотирларингиз ноўриндир.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Шу кунларда оилангиздаги тинч-тотувлик кўп жиҳатдан ўзингизни қандай тутишингизга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Оила аъзоларингизга одатдагидан меҳрибон бўлинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Иш жойингиздаги тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш, совуққонлик ва ишчанлик кайфияти воситасида анча вақта етулик обрў-эътибор қозонишингиз мумкин.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Ишда, уйда, кўча-куйда қутилмаган хавфли вазиятларга дуч келишингиз мумкин. Ҳар қандай техника воситасидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилинг.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Яқин кунларда ўта жиддий ва катта молия талаб этадиган тадбирларга бош қўшмай турганингиз маъқул. Ғайрат-шижоатингизни одатий юмушларга сарфланг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Шу кунларда умуман нотўғри ёки бузиб етказилган хабардан барча режаларингиз ўзгариб кетиши мумкин. Кайфиятингизни кўтаришнинг бирон чорасини излаб кўринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Дам олиш кунлари фарзандларингиз тарбияси ва машғулотлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишингиз даркор. Қолган барча вақтингизни касбий фаолиятингизга бағишлайверинг.

**КОВҒА (20.01-18.02)**

Кейинчалик ортиқча ташвишлардан холи бўлишни кўзласангиз, яқин кунларда кўнгилланг бўладиган кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни дарҳол ҳал этинг.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Майда-чуйда пайбат гаплар ва ўринсиз хавотирлар асосий фаолиятингизга ва муҳим ишларни бажаришингизга ҳалақит бериши мумкин. Ўзингизни қўлга олинг.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рихситилла Акрамовга опаси

**Ойкулча МАЛИКОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**Mahalla**

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

**Тахрир ҳайъати:**

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

**Масъул котиб:** Аслиддин БЎРИЕВ

**Навбатчи:** Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

4832 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-0023 Топширилди—.